



**Аъзам БЕГМАТОВ**

доцент

педагогика фанлари номзоди  
Самарқанд давлат чет тиллар институти



**Абдумурот КЎЧИБОЕВ**

Самарқанд давлат чет тиллар институти

## **“АЁЛ” ОБРАЗИ ҚЎЛЛАНИЛГАН МАҚОЛ ВА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР (француз тили мисолида)**

Ушбу мақолада француз мақол ва фразеологизмларида аёлларга хос хусусиятларни баҳоловчи шкалалар таҳлил қилинган. Бунда нафақат шахс хулқ-атвори, балки реал ҳаёт, табиат ҳамда воқеа-ҳодисалар аёл образининг психологик қирраларига боғлиқ ҳолда кўриб чиқилган. Француз халқида шакланган аёллар гўзаллигига муносабат салбий ва ижобий призмалардан ўтказиб таҳлил қилинган. Аёл образи хусусиятларининг қирралари, шунингдек, француз тилидаги “қиз, аёл” сўзлари қўлланилган фразеологизм ва мақоллар ҳам ўрганилган ва тадқиқ этилаётган масалалар бўйича хулосалар умумлаштирилган.

В статье анализируется на основе оценочной шкалы характеристики образа женщины во французских пословицах и фразеологизмах. При этом рассматривается не только характеристика и поведение персонажа, но и явления реальной жизни, природы и события, связанные с психологическими чертами образа женщины. Кроме того, проанализировано отношение, сформированное во французском народе к женской красоте через призму оценки, а также рассматриваются фразеологизмы и пословицы со словом *fille* (девушка, женщина) во французских пословицах и фразеологизмах.

This article analyzes scales of women's character in French proverbs and phraseology not only denoting the behaviour of a person but existing relity of life events. Besides the posture and negative sides of the relations of the women's beauty is analysed. In general the role of women's gender, her positive and negative remarks are studied and a general conclusion of them in the proverbs and phraseology are given.

**Калит сўзлар:** фразеология, аёл концепти, объектив компонент, салбий муносабат, ижобий муносабат.

**Ключевые слова:** фразеология, концепт *женщина*, объективный компонент, отрицательные, положительные отношения.

**Key words:** phraseology, the conception of woman, objective component, negative, positive relations.

Ҳар қандай тилдаги фразеологик иборалар авлодларнинг узок йиллар жараёнида шаклланган миллий менталитетини ифодалаб келади. Фразеологик иборалар ва мақоллар кундалик сўзлашув нутқида кўлланиладиган, тўғри ва образли кўчма маънони ифодалайдиган сўз бирикмаларидир. Мақоллар тугалланган жумла шаклидаги, кўпинча қофиялашган, панд-насихат маъносидаги оғзаки халқ ижодига мансуб халқ доно фикрларининг умумлашмаси, йиғиндисидан ташкил топади.

А. Артемованинг фикрича, фразеологизм ва мақоллар миллий маданиятнинг ойнаси сифатида шу халқ миллий маданиятини, урф-одатларни, анъаналарини, оламни идрок қилишдаги катта қисмли ахборотни ўзида мужассам қилади. Мақол ва фразеологизмлар таркибида кенг кўлланилган «аёл» концептининг лексик-семантик сатҳини ўрганиш ана шу жиҳати билан муҳимдир(1, 5).

Аёл концептига кирувчи фразеологизм ва мақоллар насихат, ўғит вазифасини бажариб, реал борлиқдаги воқеа-ҳодиса, предмет ва индивидларнинг турли сифат ва белгиларини яхши-ёмон, ахлоқли-ахлоқсиз, қабул қилиш мумкин, қабул қилиш мумкин эмас шкалаларида баҳоловчи функциясини ҳам бажаради.

Аёл образининг алоҳида элементларини баҳолашда объектив ва субъектив факторлар ҳисобга олинади. Субъектив баҳолашда объект ижобий ва салбий баҳоланади, объектив баҳолашда эса, предмет ва ҳодисаларнинг моҳияти баҳоланади. Шу нуқтаи назардан объектив баҳолаш тил муҳитида қабул қилинган умумий қоидалар ва меъёрларга мос келади.

«Аёл» концептига кирувчи фразеологизм ва мақолларда муайян халқнинг ахлоқий яшаш тарзи, онгини акс эттирувчи объектив компонент иштирок этади. Одатда мақолларда ҳам француз халқи онгида шаклланган аёл гўзаллигига муносабат кинояли тарзда ифодаланади:

*Cielpommele etfemme fardee ne font pas longue duree.* Француз тилидаги бу мақолни ўзбек тилига сўзма-сўз куйидагича таржима қилиш мумкин: Осмонни майда булутлар қопласа, у тез орада тарқалиб кетади, ўзига пардоз берган аёлнинг гўзаллиги ҳам узок давом этмайди. Мақолда табиат ҳодисасидаги ўткинчилик хунук аёлнинг ўзига оро бериши билан киёсланаяпти. Бундай ҳолда хунук бўлсанг, қанча пардоз қилсанг ҳам аслингга

қайтасан, яъни табиий гўзал бўла олмайсан, – деган салбий прагматик маъно англашилади. Қуйидаги мақолда эса, аёлларда гўзалликдан таиқари, ҳеч қандай инсоний фазилят йўқ, – деган қараш коннотация қилинган:

*La plus belle femme du monde ne peut donner que ce qu'elle a* – Дунёдаги энг гўзал аёл ҳам ўз гўзаллигидан бошқа ҳеч қандай фазилятга эга эмас, унинг бундан бошқа эркакларни қизиқтирадиган ҳеч нарсаи йўқ маъносида консерватив эркаклар фалсафаси – коннотатив маъно устивор.

Айрим мақолларда аёл шахси улуғланади, аммо бу ўринда ҳам яширин киноя оҳанги, беписандлик сезилиб туради:

*Ce que femme veut, Dieu le veut.* – Аёлнинг тилаги – Худонинг тилаги. Яъни, аёл Худо сингари ҳар қандай беъманиликка қодир. Мақол замиридаги бундай салбий коннотацияни француз адиби Т. Готъенинг «Мадмуазел Мопен» асаридан олинган қуйидаги мисол орқали изоҳлаш мумкин:

*Le proverbe «Ce que femme veut, Dieu le veut»- n ' est pas plus vrais que tout autres proverbes, ce qui veut dire, qu' l ne l'est guere.*

Таъкидлаш жоизки, француз тилида аёл образи қўлланилган гендерли фразеологизмларда субъектив салбий баҳолаш ижобийларидан кўпроқни ташкил қилади. Масалан: *On ne peut avoir en même temps femme et benefice.* – Бир пайтнинг ўзида ҳам хотинли, ҳам бой бўла олмайсан. Мақолда хотинларнинг ҳаммаси латта-путтага, зебу зийнатга, яхши еб-ичишга ўч бўлиши ва ҳеч қачон эрини ёлчитмаслиги прагматик ифодаланиб, аёлларга нисбатан салбий муносабат билдирилмоқда.

*Prenez maison faite et la femme a faire.* – Уйни қурилиб битганидан, хотинни кўзи очилмаганидан ол.

Мақолда «битган уй олмасанг яна кўп ташвиш чекиб, уни битказасан, кўзи очилмаган, яъни тажрибасиз қиз олсанг, ўзинг тарбия қилиб олаверасан» деган прагматик коннотация мавжуд.

Қуйидаги мақолда эса, умуман уйланмаслик ғояси илгари сурилади:

*Qui veut tenir nette sa maison n 'y mette femme, pretre, ni pigeon.* – Кимки уйи покиза сақланишини истаса, унга аёлни, руҳонийни ва каптарни киритмасин.

Бу мақолда аёл зоти барибир нопок, гуноҳ ишларни кўп қилади, руҳоний унга раҳнамолик қилади, каптар эса уйни ифлос қилади, – деган «аёл» зотига беписанд салбий прагматик муносабат ўз аксини топган.

Бундай салбий муносабат қуйидаги мисолда янада образлироқ янграйди:

*Quifemme, gurra a.* – Хотинли уй гурбат, Хотин олсанг, гурбат ҳам оласан. Бу ўринда аёлларнинг жанжалкашлиги, ҳуда-беҳуда эрларининг

жонига тегишлари прагматик коннотация қилиниб, эркакларнинг аёлга нисбатан беписанд салбий муносабати ифодаланмоқда.

*Qui epouselafemme (laveuve) epouselesdettes.* – Бева хотин олсанг, унинг қарзларини ҳам ўзинг тўлайсан. Мақол замирида аёлнинг ўтмишидаги барча яхши-ёмон ишларини кечиришга мажбурсан, – деган ўғит ётади.

Аёл шахсига беҳурматлик, улар шахсини ерга урилиши, камситилиши, уларнинг ҳуқуқларини тан олинмаслиги, уларга нисбатан ҳукмронлик каби салбий муносабатлар француз мақолларининг асосий қатламини ташкил қилади. Шу маънода жуда кўпчилик мақолларда аёл шахсига нисбатан беписандлик, салбий муносабат эркакларнинг ахлоқсизликлари орқали киноя қилинади:

*Faute de mieux, le roi couche avec sa femme.* – Яхшироқ аёл топилмаганида, қирол ўз хотинининг ётоғига киради. Мақолда эркаклар доимо гўзал аёлларнинг кўнглини олишга, бунинг учун ҳеч нарсадан қайтмасликка ҳақли, деган қараш ўз аксини топган.

Айрим мақолларда аёл шахсига беписандлик машҳур шахслар номи билан ҳам ифодаланади:

*La femme de Cesar ne doit pas etre soupsonner.* – Цезарнинг хотини ҳар қандай шуба гумонлардан холи. Бообру амалдор шахснинг хотини кўнглига нима келса, барча бемаъниликларни қилаверади, уни бунда айблаб бўлмайди.

Қуйидаги мақолда эса, уддабурон эркаклар юқори мавқега эришишлари учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги лозимлиги, аёл гўзаллиги ва пул мисолида талқин қилинади:

*Faveurs, femmes et deniers font de vachers chevatiens.* – Кўкларга кўтариш, аёлларни ишга солиш ва пул – сигир(//кўй) миждозли одамларни ҳам тулпорларга айлантириб юбориши мумкин.

*Paris est le paradis des femmes(le pargatoire des hommes) et l'enfer des chevaux.* – Париж аёллар учун жаннат, тулпорлар учун дўзахдир.

Мақолда Парижда аёллар кўнглига келган ҳар қандай номаъқулчиликлар қилиб, жаннатдагидек яшашлари мумкин, эркаклар эса (тулпорлар) бу ишда бор-йўғини совуриб, дўзах азобига гирифтор бўладилар, – деган прагматик маъно ва Париж шахри айш-ишрат шахри эканлигига киноя қилинмоқда.

Аёллар характеридаги эркакларга хос сифатлар: тап тортмаслик, эрининг хулқ-атворида нисбатан исёнкорлик эркаклар томонидан яратилган қуйидаги салбий коннотацияли фразеологизмларда ўз аксини топган:

*C'est la femme de Job.* Жоб афсонавий ёвуз кучнинг номи, хулоса: *ёвуз одамнинг хотини ҳам ёвуз.* Бу фразеологизм ўзбек тилидаги *ўта кетган шаллақи аёл* иборасига мос келади.

*C'est sa femme qui porte les chaussures* – сўзма-сўз: эрининг ортидан иштонини кўтариб юрадиган хотин. Аслида, бу мақол рус тилидаги: *Он уже не под башмаком,* ўзбек тилидаги *Хотини уни нўхталаб олган, бурнидан ип ўтказиб олган, хотинининг қули* мазмунидаги фразеологизмлар ифодалаган маъноларга мос келади.

*Femme de marin, femme de chagrin.* – *Денгизчининг хотини – гамнинг хотини* мақолида эса, узоқ сафарларда юрувчи денгизчининг хотини қайғу-ғам, аламнинг хотини эканлиги кинояли тарзда прагматик коннотация қилинади.

«La fille» сўзи билан ясалган мақоллар «Французча-русча фразеологик луғат»да (1963) бор-йўғи ўттизтагина бўлиб улар «аёл» сўзи билан ясалган мақоллардан фарқли ўларок, ифодалайдиган коннотациянинг унчалик салбий эмаслиги билан, кўпроқ ҳаётий тажрибалар орқали тўпланган доно ўғитларни ифодалаши билан характерланади.

*Cette fille est belle au coffer.* – Мақол бу қиз ўзи хунук бўлса-да, *бисоти кўп, яхши яшай десанг, хунук бўлсаям, бой қизга уйлан,* – деган коннотацияга асосланган.

*Une fille suit les meurs de sa mere* мақолида ҳам ижобий, ҳам салбий коннотацияни кўриш мумкин. Унда «қиз онасига ўхшайди», – деган умумий мазмун бор. Аммо яхши тарбия кўрган онанинг қизи ҳам яхши тарбия кўрган ва аксинча бўлиши мумкин. Ўзбек тилида бу ўринда *Онасини кўриб, қизини ол, Олманинг остига олма, беҳининг остига беҳи тушади* мақолларидан фойдаланилади.

*Fille et viille parlementent sont a tpitie rendu* мақолида эса қизни ҳам шаҳарни ҳам музокора орқали осонгина эгаллаш мумкин, — деган ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий маънодаги прагматик коннотация мавжуд.

Бундай ижтимоий мавзудаги коннотацияни қуйидаги мақолда ҳам учратамиз:

*Quand la fille est mariee, on trouve toujours des gendre* мақолида қизини шошилинич эрга берган кишининг афсуси коннотация қилинган: *Мен қизимни эрга бергач, яхши куёвлар топилди бошлади.*

Бундай афсусни, ўз шахсига нисбатан кинояни ифодаловчи коннотатив маънодаги мазмунни қуйидаги мақолда ҳам кўраамиз:

*Bonjour lunette, adieu fillette.* – Салом кўзойнак, хайр қизлар маъносидаги бу мақолда кўздан, куч-қувватдан қолган қариянинг энди ишқ-муҳаббат билан шуғуллана олмаслиги, афсуси прагматик ифодаланган.

Айрим мақоллар замиридаги прагматик маъно шу халқнинг миллий-маданий менталитетига тўғридан-тўғри боғланган бўлиб, уларнинг сўзма-сўз таржимаси орқали ифодаланган маъносини илғаб олиш қийин. Масалан, куйидаги мақол француз деҳқонларининг тилидаги ана шундай яширин коннотацияга эга:

*Mai pluvieux marie le laboureur et sa Jille.* Сўзма-сўз таржимаси: *Ёмғирли май ойи келса, деҳқонни уйлантириб, қизини эрга бердиради.* Аслида, прагматик мазмун куйидагича: *Май ойи ёмғирли келса, йил ҳосилдор бўлади.* Бинобарин, ҳосил мўл бўлса, бева деҳқон ўзи ҳам уйланиши мумкин, қизини ҳам эрга бериши мумкин.

«Аёл» концептига кирувчи мақол ва фразеологик иборалар таҳлили куйидаги хулосаларга олиб келди:

1. «Аёл» концептига кирувчи лексик-семантик майдон уларнинг жинсига оид белгилари, ёши, қариндошлиги, оилавий аҳволи, касби, ижтимоий аҳволи сингари параметрлар билан аниқланади.

2. Аёл концептига кирувчи сўзларнинг семантик майдони француз тилида уларнинг ташқи кўриниши (гўзал-хунук, ёкимли-ёкимсиз), хулқ-атвори, ижтимоий аҳволи, касби каби параметрлар, асосан, салбий маъноли мақол ва фразеологизмларда ўз аксини топган.

3. Бундай диспропорция француз тилидаги мақолларда ҳамон эркакларнинг субъектив баҳоловчи муносабатлари доминантлик қилаётганлигидан далолатдир. Шу жиҳати билан мақоллар француз тилидаги маданий доминантларни белгиловчи лисоний воситалар вазифасини бажаради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Артемова А. В. Эмотивно-оценочная объективация концепта женщина в семантике ФЕ // Автореферат. – Пятигорск, 2000. – 16 с.
2. Готье Т. Мадемуазель де Мопен. – Москва, 1988.
3. Ильин Д. Н. Процессы позитивации/негативации лексического значения // Автореферат. – Ростов-на-Дону, 2005.– 23 с.
4. Ласточкина П., Нагорная Н. Образ женщины в картине мира носителя английского языка. – Новгород, 2003. – 215 с.
5. Большая энциклопедия афоризмов: законы жизни от великих – Москва: Изд-во «Рипол Классик», 2005. – 528 с.
6. Французско-русский фразеологический словарь /Под ред. Рецкера. – М. – Л., 1963. – 1112 с.



**Дмитрий КИСЕЛЁВ**  
кандидат филологических наук  
старший научный сотрудник-соискатель  
Самаркандский государственный  
институт иностранных языков  
[dkiselyov@umail.uz](mailto:dkiselyov@umail.uz)

## МОДАЛЬНЫЕ ГЛАГОЛЫ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА В АНАФОРИЧЕСКОЙ ФУНКЦИИ

Мақолада француз тилидаги модал феълларнинг анафорик вазифада қўлланилиши, яъни модал феълларнинг ҳаракатни номламасдан унга ишора қилиши ва шу матннинг ўзида ҳаракатнинг вербал (лисоний) белгиларига ҳавола қилиб, феъллик хусусиятини намоён этиши ҳақида фикр юритилган. Модал феъллар анафорик вазифада фақат ҳаракатни эмас, балки унга қўшимча – модаллик – хусусиятлар ҳақида ҳам маълумот беради.

В статье рассматриваются особенности употребления модальных глаголов французского языка в анафорической функции, т.е. те случаи, когда модальные глаголы указывают на действие, не называя его, отсылая при этом к вербальному обозначению данного действия в том же тексте. Модальные глаголы в анафорической функции не только указывают на действие, но и сообщают ему дополнительные – модальные – характеристики.

The article presents peculiarities of usage of modal verbs in French; these are cases when modal verbs indicate an action without naming it and refer to actions expressed by verbals in the same text. Modal verbs not only refer to the action but also provide it with supplementary – modal – features.

**Калит сўзлар:** анафорик вазифа, модал феъллар, репрезентация, муқобил феълли анафора, эллипсис, қўллашнинг шартлилиги.

**Ключевые слова:** анафорическая функция, модальные глаголы, репрезентация, неадекватная глагольная анафора, эллипсис, обусловленность употребления.

**Key words:** anaphoric function, modal verbs, representation, "unfaithful" verbal anaphora, ellipsis, conditional usage.

Традиционная французская грамматика, учитывая специфику выражаемого модальными глаголами значения и особенности функционирования, обозначает их как «полувспомогательные» ("semi-auxiliaires", "coverbes") (2, 58). Вопрос о грамматическом статусе модальных глаголов французского языка во многом остается открытым – в отличие от

английского языка, например, где аналогичные глаголы рассматриваются в качестве вспомогательных(6, 312). Одна из основных особенностей данных «полувспомогательных» глаголов, которая к тому же отражает и терминологическую двойственность, связана с положением местоимения, выражающего прямое дополнение, ср.:

*Roger a trouvé une solution. Roger peut/doit trouver une solution.*

*Roger l'a trouvée. Roger peut/doit la trouver.*

Как это видно из третьего примера (*Roger l'a trouvée*), местоимение-дополнение предшествует вспомогательному глаголу *avoir*. Напротив, в следующем примере (*Roger peut/doit la trouver*) видно, что фраза воспринимается как более гармоничная, когда местоимение-дополнение примыкает к смысловому глаголу.

Обозначенная морфологическая и синтаксическая специфика модальных глаголов находит свое отражение и в тех случаях, когда данные глаголы выступают в функции репрезентантов, ср.:

*Alors ma mère a écrit de Maurice, elle disait qu'elle voulait que je revienne avec elle. Au début je ne voulais pas, je pleurais (Le Clézio).*

*Et puis ces mouches, ces mouches! La vue d'une seule tire mes yeux hors de ma tête. Comment font-elles? /.../ Là! Juste sur mon nez, tu vois? Comment faire? Je louche tant que je peux...(Colette).*

Анафорический *vouloir* отсылает к репрезентируемому глаголу *revenir* и не только репрезентирует его, но и позволяет выразить дополнительный смысл – отношение героя к данному действию.

Анализируя степень изученности модальной репрезентации во французском языке, следует признать, что данный аспект глагольной анафоры за редким исключением практически никогда не был предметом отдельного изучения. Изучению модальной репрезентации посвящено лишь небольшое количество работ(1; 2; 8).

При исследовании модальной глагольной анафоры в первую очередь необходимо решить вопрос о типологической принадлежности модальных глаголов-репрезентантов: они могут быть отнесены как к случаям глагольного эллипсиса, так и к проявлениям «нулевой» анафоры(2, 69–70). Подобная амбивалентность при классификации вполне объяснима – в анафорической функции модальные глаголы актуализируют различные значения.

К глагольному эллипсису модальные репрезентанты близки в силу того, что их использование также ведет к разрушению синтаксической / семантической материи. В тоже время модальные глаголы-репрезентанты



*vouloir /pouvoir* могут чередоваться с формами, где отсутствующая глагольная синтагма эксплицитно выражена нейтральным местоимением *le* (*le pouvoir / vouloir*).

Сближение модальной анафоры со структурным эллипсисом выглядит вполне обоснованно. Формально возможно обнаружить в тексте «полную» форму, содержащую эллиптируемый (репрезентируемый) позднее глагол, ср.:

*Sur le mur, des menaces étaient écrites. Eve le savait mais elle ne pouvait pas les lire. /.../ La menace était, la plupart du temps, inscrite au plafond, à gauche au-dessus du lit: mais elle se déplaçait, quelquefois. "Il faut que je me lève. Je ne peux pas – je ne peux pas rester assise plus longtemps"(Sartre).*

Однако мы не склонны рассматривать это как частную реализацию эллипсиса. На наш взгляд, в данном случае речь идет не о параллельном существовании «полной» и «усеченной» форм выражения, которое имеет место при структурном эллипсисе, ср.:

*Au centre commercial, Lucie s'est acheté une paire de gants et sa cousine [ø] un parapluie.*

Мы придерживаемся точки зрения исследователей, в частности В. Чао (4, 89), которые относят рассматриваемые случаи к анафоре и квалифицируют модальные глаголы-репрезентанты как «анафору с нулевым дополнением» (NSA – Null Complement Anaphora). Модальный глагол репрезентирует действие, выраженное вербально в тексте. Оба глагола – репрезентируемый и репрезентирующий – кореферентны, идентификация значения репрезентанта происходит благодаря отсылке к иному глаголу. Следовательно, мы можем говорить об анафорической репрезентации глагола или глагольного комплекса посредством модального глагола, ср.:

*Nous, nous étions pauvres, nous ne partions jamais. D'ailleurs, Mam ne l'aurait pas voulu (Le Clézio).*

Помимо репрезентации, т.е. указания на действие, модальный глагол сообщает также и дополнительную информацию – отношение к действию.

Как указывалось ранее, значение репрезентанта наиболее полно раскрывается в масштабе текста. Модальные глаголы в данном случае не представляют исключения. Репрезентируемый глагол и репрезентант зачастую не употребляются в одном предложении, ср.:

*Je cherchais désespérément quelque belle phrase équivoque. Je ne voulais pas l'épouser. Je l'aimais mais je ne voulais pas l'épouser. Je ne voulais épouser personne, j'étais fatiguée.*

*"Ce n'est pas possible, balbutiai-je. Mon père...*

*Ton père, je m'en chargerai, dit Cyril.*

*Anne ne voudra pas, dis-je. Elle prétend que je ne suis pas adulte (Sagan).*

Glen Ford: – *J'ai failli la tuer. J'aurais dû.*

Gloria Grahame: – *Vous n'auriez pas pu (Vian).*

Модальный глагол в анафорической функции может занимать и антецедентную по отношению к репрезентируемому глаголу позицию в предложении или тексте, ср.:

*Tout à coup le type se retourné et me regardé d'un air irrité. Je fis un pas en arrière.*

– *C'est pour vous ... demander ...*

*A ce moment je sus que j'allais me mettre à hurler. Je ne voulais pas: je lui lâchai trois balles dans le ventre. Il tomba d'un air idiot, sur les genoux, et sa tête roula sur son épaule gauche (Sartre).*

Антецедентное положение модального глагола прямо указывает на его анафорическую природу, ибо эллипсис, в частности структурный, не может допустить предшествования эллиптической конструкции в предложении или в тексте.

Некоторыми исследователями, в частности А. Абейе (1, 42), выявлена определенная синтаксическая зависимость в употреблении модальных глаголов в анафорической функции. Так, например, модальные глаголы используются в конструкциях, отражающих внутрифразовые отношения, ср.:

сочинительная связь – *Il a mangé tous les gâteaux mais il n'aurait pas dû.*

подчинительная связь – *Il a mangé tous les gâteaux dès qu'il a pu.*

сравнительные конструкции – *Il a mangé plus de gâteaux qu'il n'aurait dû.*

определительные предложения – *Il a mangé tous les gâteaux qu'il a pu.*

На наш взгляд, примечательно, что во фразах с определительным предложением возможно использование исключительно модальных глаголов *vouloir / pouvoir*. В этом кардинальное отличие последних от иных «полувспомогательных» глаголов французского языка, также часто используемых в анафорической функции (*oser, savoir, essayer, être en train de, faillir* etc.).

В рамках проводимой научно-исследовательской работы необходимо подробнее рассмотреть особенности функционирования модальных глаголов французского языка в анафорической функции.

Модальные глаголы обладают способностью «перерабатывать» репрезентируемый глагол, ср.:

*Claudine n'a pas pu s'acheter un nouveau portable mais Romain a dû. Il l'a même choisi g ris métallique.*

Согласно наблюдениям исследователей, модальный глагол в анафорической функции соответствует семантическому объему только репрезентируемого глагола в отличие от случаев адекватной анафоры, когда объектом репрезентации является вся глагольная синтагма целиком(2, 82). В данном контексте особого внимания заслуживает употребление нейтрального местоимения *le* (cliticpronoun, в английской терминологии) при модальных глаголах в анафорической функции. Анализ текстовых примеров демонстрирует чередование форм *pouvoir / vouloir* с формами *lepouvoir / levouloir*, в результате которого зачастую они оказываются в парадигматических отношениях, не являясь при этом взаимозаменяемыми. Выявленные особенности выбора форм указывают на семантическую обусловленность сферой применения, ср.:

*Ce fut l'inspecteur Bourdeau qui répondit:*

– *M. Le Floch a reçu délégation extraordinaire de M. de Sartine.*

– *Soit, mais comprenez ma surprise.*

*Nicolas ne releva pas.*

– *Docteur, qu'avez-vous à déclarer?*

– *Comme vous (\*le) voulez... Vendredi soir, j'étais invité par un ami à un médianoche* (Parrot).

Следующая характерная особенность реализации модальных глаголов в анафорической функции отражена в частотном употреблении в определительных предложениях, причем преобладают конструкции, где глагол-репрезентант также включен и в репрезентируемую глагольную синтагму, ср.:

*J'ai traduit tous les textes que j'ai pu.*

*J'ai traduit tous les textes que je (\*le) pouvait.*

Как считают современные исследователи, употребление модальных глаголов *vouloir / pouvoir* в анафорической функции возможно и в конструкциях, которые прежде считались неприменимыми к французскому языку(2, 70). В частности исследовано анафорическое явление, обозначаемое в англоязычной лингвистической литературе как "pseudo-gapping" – эллиптическая конструкция, из которой извлекается номинальная синтагма в функции прямого дополнения(5, 168), ср.:

*Je ne peux pas me permettre de grandes vacances mais [un petit séjour au bord de la mer] je (\*le) peux.*

В процессе проведенного анализа нам удалось выявить наличие специфических характеристик у модальных глаголов в анафорической функции. Они не только репрезентируют глагольную синтагму, но и

сообщают ей дополнительное (модальное) значение – отношение к лицу или к действительности. Особенности французского синтаксиса в ряде случаев обуславливают употребления в анафорической функции именно модальных глаголов.

#### **ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА**

1. Abeillé A. Une grammaire lexicalisée d'arbres adjoints pour le français. Thèse de Doctorat de linguistique / Université de Paris 7. – Paris, 1991. – 318 p.
2. Busquets J., Denis P. L'ellipse modale en français: le cas de pouvoir et devoir // Cahiers de grammaire. Edition 26. – 2001. – P. 55 – 74.
3. Cecchetto C., Percus O. When we do that and when we don't: A contrastive analysis of VP-ellipsis and VP-anaphora / Phases of interpretation. Editor M. Frascarelli. – Berlin: Mouton de Gruyter, 2006. – P. 71 – 105.
4. Chao W. On Ellipsis. Ph. D. Dissertation. – New York, 1988. – 255 p.
5. Genette G. Nouveau discours sur le récit. – Paris: Le Seuil, 1983. – 188 p.
6. Jackendoff R. Foundations of language. – Oxford University Press, 2002. – 486 p.
7. Zribi-Hertz A. L'anaphore et les pronoms. Une introduction à la syntaxe générative. – Villeneuve-d'Ascq: Septentrion, 1996. – 112 p.